

UDC 002:001.4

SPEECH DEVELOPMENT USING COMPUTER LEARNING AND DEVELOPMENT GAMES

М.Б. Шарипова¹, З.Ф. Хайруллоева²

Abstract

This article outlines the scientific and theoretical bases for the development of speech in preschool children.

Keys words: speech, mental development, education, active, speaking, pedagogical process, language and thought, dictionary, phonetics, grammar, preschool education.

Янги шароитлардан келиб чиқиб, «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, 2017-2021- йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, таълим босқичларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, таълимнинг замонавий методологиясини яратиш, ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, мактабгача таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш ҳамда педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришда компьютер ҳамкорликда ишлашни тақозо этади.

Мактабгача ёшдаги боланинг ҳаётида ўйин ҳукмронлик қилади ва ўйин туфайли боланинг идроки ҳам, нутқ ҳам ривожланади, чунки бола ўйинга алоқаси бўлган буюмга кўпроқ эътибор бериб қарайди ва ўз ўйинида атрофдаги ҳаётни акс эттиради. Ўйин, расм чизиш ва шунга ўхшаш машғулотлар туфайли болада кузата билиш қобилияти ҳам ривожланади. Дарҳақиқат, компьютер ўйинларида ҳам тарбияланувчиларнинг идроклари ва кузата билиш қобилиятлари ривожланиб, тараққий эта бошлайди. Идрокнинг бир нечта тури бўлиб, шулардан, ҳаракатни идрок этиш тури компьютер ўйинларида ҳам тарбияланувчиларнинг идроклари ва кузата билиш қобилиятлари ривожланиб, тараққий эта бошлайди.

Идрокнинг бир нечта тури бўлиб, шулардан ҳаракатни идрок этиш тури компьютер ўйинларида ҳам намоён бўлиб, кўпроқ жангарилик ўйинларида кузатилади. Буҳолда компьютер экранида ўқ (снаряд)нинг ҳаракати, нишонга тегиши, портлаш жараёнини кўриш мумкин. Автопойга ўйинлари ҳам идрокнинг ҳаракат турига киради.

Компьютерли таълимий ва ривожлантирувчи ўйинларда ҳам идрокнинг ҳаракат тури учратилади. Масалан, “шакларни устма-уст қўйиш”, “бўш ўринни тўлдир”, “светофор-лабиринт” ўйинларида компьютер (монитор) экранида объектлар ҳаракатланади. Идрок этиш жараёнининг фаол кўринишларидан бири кузатишдир. Компьютерли ўйинларда тарбияланувчилар ўйин объектларини экранда кузатадилар. Аммо ўйинни бажариш қўл ҳаракати асосида амалга оширилади, яъни «Сичқонча» ва клавиатура билан ишланади.

Мультимедиали компьютер ўйинларининг тарбияланувчиларни қизиқувчанлик хусусиятларини оширишлари қуйидагилар асосида шаклланади: Экранда кўрсатиладиган ўйин объектларига анимация самараси берилган

¹Шарипова Махбуба Бахшуллоевна – преподаватель кафедры дошкольного образования, факультет дошкольного и начального образования, Бухарский государственный университет, Узбекистан.

²Хайруллоева Земфира Фаёз қизи – студент, Бухарский государственный университет, Узбекистан.

бўлади ва улар доимий равишда ҳаракатланиб, жилоланиб туради: товуш; муסיқа; анимация; мультипликация. Ўйин давомидаги ушбу “компьютерли” психологик-педагогик таъсирлар ёш болаларни фақат қизиқувчанлик хусусиятларини оширибгина қолмасдан, балки билим олишга бўлган иштиёқларини ҳам оширади.

Тарбияланувчи (бола) компьютерли ўйинга киришишдан олдин объектни бошдан оёқ яхшилаб кўздан кечириши ва унинг ўзига хос белгиларини эслаб қолиши керак, сўнгра иккинчи бир объектни таққослаши лозим. Шу йўл билан, таълимий ўйинларга қўйилган мақсад ва вазифалар ечилади. Масалан, “Шаклларни устма-уст қўйиш” мультимедиали компьютер ўйинида тарбияланувчи юқори қатордаги шаклларни таққослаб, ўхшашини топади, изоҳлайди ва ўйинни бажаради.

Кундалик ҳалқимизга ҳамда кишилар фаолиятининг кўп соҳалари кириб келаётган ва уларнинг ривожланишига таъсир қилаётган ахборот ва компьютер технологияларини тезликда ривожланиши, уларни ўйин, ўйинли фаолият, мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш ва ривожлантиришга ҳам таъсир этмоқда. Ҳозирги вақтда мактабгача ёшдаги болаларга янги ахборот технологияларини ўргатиш, уларни компьютер билан таништириш, компьютер саводхонлиги асосларини ўқитиш масалалари долзарб вазифалар сирасига кирмоқда. Компьютерли дастур бола учун янги ўйин воситаси, кизиқ ва бошқарилувчи ўйинчоқ бўлиши мумкин ва бу воситалар ёрдамида турли-туман ўйин масалаларини ечиши, демак, ривожланиши мумкин. Лекин, компьютер ўйинини муваффақиятли эгаллаш учун болада психик жараёнларни шаклландириш даражаси талаб этилади. Шунинг учун ҳам кўпгина психолог олимларнинг фикрича компьютерни 5 ёшдан кичик бўлмаган болаларга таништириш мумкинлигини таъкидлайдилар. Чунки:

1. Компьютерни фаолият воситаси сифатида тўлақонли фойдалаланиш учун, боладан белгилар, умумлашган шакллар (билан ишлашни билиши керак. Экрандаги тасвир – ҳақиқий ёки ўйинли объектларнинг шакллари ва белгиларидан иборат ва улар билан бола муваффақиятли амаллар бажариши учун, унинг онги етарли даражада ривожланган бўлиши талаб этилади.

2. Компьютер дастури билан ишлаганда бевосита иккиланган фаолият амалга оширилади, масалан, бола бармоқлари билан компьютер тугмаларини ёки «сичқонча»нинг тугмасини босиб, кўллари билан амаллар бажариши ва бир вақтнинг ўзида экранга қараб унда тасвирланган нарса ва ҳодисаларни кузатиши керак.

3. Болада ҳаракатларни ихтиёрийлик даражаси ва эркин ўзини-ўзи тартибга солиш хусусияти ривожланган бўлиш талаб этилади.

Компьютерда ишлашни ўрганишга мўлжалланган юқорида келтирилган шартлар турли-туман предметли-амалий ва ўйинли фаолиятда (расм солиш, яшаш, ролли ўйин ва ҳ.к.) шаклланади.

“Транспортлар” машғулотида болажонларга транспорт турларини фарқлаш ва таққослаш усуллари билан фойдаланганда, ҳаво транспортими, ер ёки сув транспортими фарқлашни ўргатиш орқали нутқий саводхонликни ошириш мумкин.

Нутқнинг боланинг атрофдаги одамлар билан мулоқот воситаси сифатида пайдо бўлишини тушуниб етишга олиб келади. Ўз-ўзидан, агарда боланинг мулоқоти нутққа жон бағишласа, унинг ривожланиш суръати ва муддати болаларда мулоқот фаолияти турли ёш босқичларида қандай йўлга қўйилганлиги билан боғлиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Негневицкая Е.И, Шахнорович А.М. Язык и дети. М., «Наука», 1985.

© М.В. Sharipova, Z.F. Khayrulloeva, 2018